


Нигора МУЛЛАСОДИҚОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси



Балогат

ИЛМИ БИЛИМДОНИ

Ҳаёт асрларда яшаб ижод этган алломаларимиз илм-фаннинг турли соҳалари тараққий этишида улкан ҳисса қўшган. Улардан бири араб филологияси, хусусан, араб балогат илми ривожланиш тарихида алоҳида ўринга эга Абу Бакр Абдулқоҳир ибн Абдурахмон Журжонийдир. Олимнинг ҳаёти, туғилган вақти ҳақида маълумотлар деярли келтирилмайди, аммо Табаристон билан Хуросон оралиғида жойлашган Журжон шаҳрида туғилгани манбаларда қайд этилади. Таваллудини вафоти қараб тахминан ҳижрий V аср бошларида деб ҳисоблаш мумкин. У яшаган даврда Қобус бин Вушмагир ҳукмронлик қилгани, унинг ҳукмронлиги эса 977 – 1013 милодий йилгача давом этгани бунинг асосий манбасидир. Журжон шаҳри аҳолиси ўзининг юксак маданияти билан теварак-атрофдагилардан ажралиб турган, улардан кўплаб олим, адиб, фақиҳ ва муҳаддислар етишиб-чиққан.

Абдулқоҳир Журжоний камбағал оилада туғилиб-ўсгани сабаб бошқа олимлар каби юрт-ма-юрт кезиб илм олиш имконига эга бўлмаган. Шунинг учун у Журжон шаҳрининг ўзида Абу Али Форсийнинг жияни, ўша даврнинг кўзга кўринган олими Абу Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳусайн Форсийдан таълим олган. Ёш бўлишига қарамай Сибавайҳи, Жоҳиз, Мубаррад, ибн Дурайд каби таниқли олимларнинг тил, адабиёт, балогат, фикҳ каби илмга оид асарларини мукаммал ўрганди. Натижада наҳв ва балогат илмлари бўйича буюк олим ва устоз номига сазовор бўлди. Журжоний устозлари Абу Ҳусайн Муҳаммад бин Ҳусайн бин Абдулворис Форсий ва Абулҳасан Али бин Абдулазиз бин Ҳасан бин Али бин Исмоил Журжонийларнинг меҳнатини алоҳида қайд этиб ўтган. Унга устози Форсий тилга оид “الإيضاح” (Ал-Ийдох) асарининг ҳар бир сўзини шарҳлаб батафсил ўргатган. Кейинчалик Журжоний устозининг ушбу асарига 30 жилддан иборат шарҳ ёзади ва уни ўрганув-



чиларга осонлаштириш мақсадида 3 жилддан иборат қисқартирилган шаклини ҳам ишлаб чиқади. Журжоний наҳв, сарф, адабиёт, адабий танқид, балогат, Қуръон ва ҳадис илмлари, фикҳ, фалсафа, астрономия, илмлар таснифи каби соҳаларни чуқур ўрганди ва 50 дан ортиқ асарлар яратди. Унинг асарларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Сарф илмига оид асарлари:

1. المفتاح في الصرف (Ал-мифтах фис-сарф)
2. العمدة في تصريف الأفعال (Ал-умдату фи тасрифил-афъал)

II. Наҳв илмига оид асарлари:

1. المغني في شرح الإيضاح – бу асар 30 жилддан иборат бўлиб, устози Абу Али Форсийнинг «الإيضاح» китобига бағишланган шарҳидир.
2. «المقتصد» – бу асар 3 жилддан иборат бўлиб, «المغني في شرح الإيضاح» асарининг қисқартирилган шакли.
3. التكملة في النحو (Ат-такмилату фи ан-наҳв)
4. العوامل المنة في النحو (Ал-авамилу ал-миату фин-наҳв)
5. الجمل في النحو (Жумалу фин-наҳв)
6. التلقين بشرحه (Ат-талқийну би шарҳиҳи)
7. التتمة (Ат-татиммату)
8. تفسير ضخمة للفتاح في مجلد (Тафсийрун дах-мун лилфатихати фи мужалладин)

III. Адабиётга оид асарлари:

1. كتاب العروض (Китабу ал-аруз)

2. المختار من دواوين المتنبي والبحتوري وأبي تمام (Ал-мухтар мин дававийинил мутанаббий ва ал-бухтурий ва аби таммам)

IV. Балоғат илмига оид асарлари:

1. المعتضد (Муътадад) – Мазкур асар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зайд Воситийнинг “إعجاز القرآن” (Иъжазу ал-Қуръан) китобига ёзилган шарҳдир.

2. الرسالة الثانية في الإعجاز (Ар-рисалату ас-санийяту фил-иъжаз)

3. أسرار البلاغة (Асрар ал-балоға)

4. دلائل الإعجاز (Дала’ил ал-иъжаз)

5. درج الدرر في تفسير الآي والسور (Даржуд-дурар фи тафсирил ай вас-сувар)

6. رسالة الشافية في الإعجاز (Рисалату аш-шафийа фил-иъжаз)

V. Астрономияга оид асарлари:

1. شرح كتاب الجعمني في علم الهيئة (Шарҳу китаби ал-жағминий фи илм ал-хайъати)

2. شرح ملخص في الهيئة للجعمني (Шарҳун мулаххасун фил-хайъати лил-жағминий)

3. شرح التذكرة النصيرية (Шарҳи ат-тазкирати ан-насириййати) – Бу асар Насируддин ат-Тусийнинг “التذكرة النصيرية” (Ат-тазкирату ан-насириййату) асарига ёзилган шарҳдир.

VI. Бошқа асарлари:

1. خطب العلوم (Хутабу ал-улум)

2. كتاب التعريفات (Китабу ат-таърийфат)–

Мазкур асарда олим ўзи яшаган давргача илм-фан ва санъат соҳасида қўлланган атамаларни жамлаб, уларнинг мазмунини изоҳлаган. У араб манбалари орасида истилоҳларнинг шарҳига аталган илк асарлардан бири сифатида эътироф этилади.

3. رسالة في تقسيم العلوم (Рисалатун фи тақсийми ал-улум)

4. التلخيص (Ат-талхис)

Журжоний илмининг довуғи кенг тарқагач турли мамлакатлардан атрофига кўплаб шогирдлар тўпланди. Улар орасидан Али бин Зайд Фасихий, Абу Наср бин Муҳаммад Шажарий, Аҳмад бин Абдуллоҳ Маҳобозий Дарир, Абу Закариё Яхё бин Али бин Муҳаммад бин Хатиб Табризий, Абул Музаффар Муҳаммад бин Абул Аббос бин Аҳмад бин Муҳаммад Аби-вардий каби шогирдлари наҳв, лексикология, адабиёт, тарих йўналишларида мукамал билим эгаллаб, олим даражасига етган.

Абдулқоҳир Журжоний ўзини ҳурмат қиладиган, манманликни ёқтирмайдиган, мол-

дунёга умуман берилмаган, камтар инсон бўлган. У араб балоғат илми тарихига янгича ва жуда муҳим назария билан кириб келди ва соҳа ривожига таъсир кўрсатди. Бу илмни у турли йўналишларни бирлаштирадиган яхлит илм деб баҳолайди. Журжоний бу илм қонун-қоидаларини асослаб, мавзуларини тартибга солган илк олимдир. Мазкур соҳада унгача ижод қилган олимлар бадиъ санъат турлари, Қуръон эъжози, ташбеҳ, киноя, мажоз, фасоҳатга оид асарлар ёзишган. Журжоний уларнинг барчасини батафсил ўрганиб-чиқиб, маълумотлар аралаш ва чалкаш эканига гувоҳ бўлади. Мавжуд фикр-мулоҳазаларни тизимли таҳлил қилиб, мазмун ва моҳияти ўхшаш мавзуларни бир гуруҳга жамлаб, уларнинг чегарасини ишлаб чиқади ва унинг икки таркибий соҳасини ажратиб беради, бу соҳаларни “баён” ва “назм” номи билан атади. Балоғат илмининг шаклланишига асос бўлган бадиъ илмига эса баён илмининг бир бўлаги сифатида қарайди. Навҳ илмини мукамал билгани учун грамматик масалаларни мантикий ҳукм билан таҳлил қилишни “маоний илми”нинг бош мавзуси деб белгилайди ва бу илмга оид назариясини “Дала’ил ал-иъжаз” (دلائل الإعجاز) асарида очиб беради. Сўзамоллик сирлари, унинг талабларига боғлиқ масалаларни эса “баён илми” мавзуси деб, унга оид қарашларини “Асрар ал-балоға” (أسرار البلاغة) асарида батафсил ёритади. Мазкур асарларда олим маоний ва баён илмларига оид кўплаб янгиликлар киритади. Аввалги олимлар асарларида учрамайдиган, мантикий ёндашиш талаб қилинадиган ўта нозик қонунларни далиллари билан келтиради. У лафз ва маъно тушунчаларини маълум тартиб асосида бир-бирига боғладиган тушунчалар деб қарайди. Адабий асарнинг энг муҳим омили сифатида эса “таркиб” масаласини кўтаради. Таркибнинг моҳияти эса маъно ифодалашга қаратилишини таъкидлайди.

“Дала’ил ал-иъжаз” асарида маоний илмини “назм илми” деб атаган. “Баён” сўзини



истилоҳ сифатида ишлатишда эса иккиланган. Асарнинг бошланишида баён илмига қуйидагича таъриф беради: “Сен мустаҳкам асос, бири иккинчисидан устун қисмларга эга, янги узилган мева, атиргулдек ёқимли,

чарақлаётган юлдуз каби илми тополмайсан. У баён илмидир. Агар шу илм бўлмаганида, тилнинг дур мисол жилоси, бадий бўёқлари, болдек тотти, гул иси каби муаттар сеҳрини ҳис қилмас эдинг. Унинг шарофати билан фикрни нақадар гўзал ифодалаш мумкинлигини биласан”. Ҳақиқатан ҳам, баён илми фикрни турли бадий бўёқларда шаклан ва маънан гўзал ифодалаш услубларини ўрганади. Журжоний-гача балоғат ва фасоҳат тушунчалари сўз билан боғлиқми ёки маъно биланми, деб кўп мунозара олиб боришган. Бу масалани у асарнинг охиригача муҳокама қилади ва фасоҳат, балоғат, бароат ва баён сўзга эмас, назмга, унинг кўринишлари, шакл ва унинг хусусиятига боғлиқ деб ҳисоблайди. Яъни, баён илми “фасоҳат” ва “балоғат” тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар ўзаро яхлит бир бутунликни ташкил этади, деб ҳисоблайди. Мазкур асарда сўз ва маънонинг фасоҳат ва балоғат талабларига мувофиқ танланишига кенг тўхталади. Сўзларнинг ўзаро мутаносиблиги, оҳанглари-нинг бир-бирига мослиги, жозибаси ва гапдаги ўрнига қараб таъсир кучининг ўзгариши ҳақида батафсил фикр юритади. Бу талабга жавоб берган сўз ва маъно фасих ва балиғ бўлади, дейди. Бу ўринда Журжоний ҳар бир сўзнинг алоҳида оҳанг ва мазмун касб этиши ҳамда эшитилганда чиройли ёки ёқимсиз бўлишини ҳисобга олмаган. У баён илми мавзулари бўлган ташбеҳ, мажоз, истиора ва киноя мавзулари асосида назм назарияси, яъни маъоний илмининг қонуниятларини алоҳида қисмга ажратиб олади.

“Назм” – маоний илми назариясини шакллантириш давомида эса гап мавзусига боғлиқ бўлган тақдим (от-кесимнинг эгдан олдинга ўтиши), таъхир (кечиккан эга), таъриф (эга ва кесимнинг аниқлиги), танкир (эга ва кесимнинг ноаниқлиги), зикр (гап бош бўлаклари-

нинг ишлатилиши), ҳазф (бош бўлакларнинг тушиб қолиш шартлари), қаср (чеклаш), васл (ва боғловчиси билан қўлланадиган боғловчи-ли гап) ва фасл (балоғий услубларда баъзан боғланиб, баъзан ажратиб келадиган гап) мавзуларининг фарқли жиҳатларини аниқлаган. “Асрар ал-балаға” асари эса балоғат илмининг таркибий қисми бўлган “баён илми” назариясига ва бадиъ илмининг мавзуларидан бўлган сажъ ва жиносга бағишланади. У бадиъ илми мавзулари билан эса деярли шуғулланмаган. Мазкур асарда баён илмига “сўзловчининг мақсади тингловчи ҳолати ва вазият тақозоси бир бўлиши балоғат илмининг энг асосий шартидир”, деб баҳо беради. Асарда араб тилида тушунарли, фикрни раво ифодалаш йўллари, сўзамоллик ҳақида фикр юритади. Фикрни ифодалашда энг муҳими шароит тақозоси эканини ва ҳар қандай гап шароит тақозосига мос бўлмаса самарасиз бўлишини айтади. Шу билан бирга вазиятга қараб гап қисқа ва лўнда бўлиши ёки аксинча, бафуржа тушунтириладиган бўлишини ҳам айтади. Шароит тақозоси сўзловчининг мақсади, тингловчининг ҳолати ва ўша вақтдаги вазият билан белгиланишини таъкидлайди. Асарда ташбеҳ ва унинг турлари, луғавий мажоз, ақлий мажоз ҳақида фикр юритади. Истеора ва татбиқни бадиъ илмининг бир бўлаги, деб ҳисоблайди.

Журжоний Қуръоннинг айрим сураларини филологик нуқтаи назардан шарҳлашга ҳам муваффақ бўлган. Оятларни шарҳлаш анъанасини кейинчалик Маҳмуд Замахшарий ҳам давом эттириб, “Кашшоф” асарини яратди.

Абдулқоҳир Журжоний ҳижрий 471 (милодий 1078) йил вафот этган. У асос солган назарияларни кейинчалик Маҳмуд Замахшарий ва Юсуф Саккокий ниҳоясига етказган.

